

ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМ МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ АСОСИДИР



Миллий истиқлолимиз йўлида жон фидо қилган жадидчилик мактабининг асосчиларидан бири Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат ўзи ташкил этган “Тонг” журнаliga “Мия ўзгармагунча бошқа ўзгаришлар негиз тутмас” деган шиорни танлаган экан.

Авлоний бобомиз эса “Таълим-тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деганди.



Бундай ёндашувлар ҳар қандай замон ва маконда ҳам тарбия масаласига долзарб вазифалардан

Биз педагогларнинг ойлик маошларини қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам партияимизнинг мақсад ва

“...мактаб ўқувчиси мактабдаёқ мактабдан кейинги ҳаётига тайёрланиши керак. 6-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг илмга иқтидори борлари билан алоҳида ва тadbиркорликка лаёқати борлар билан алоҳида дастурлар асосида иш олиб бориш бугунги куннинг энг муҳим талабидир. Яъни бу жараёнда ота-онанинг “орзу-ҳаваслари” бола тақдирини ҳал қилувчи омилга айланмаслиги керак. “Ўқиб, одам бўлармидинг?” деган қараш ҳам, “Мен ўқимадим, болам ўқисин” деган қараш ҳам ўқувчининг таснифланишига таъсир кўрсатмаслигига эришишимиз лозим. Қолаверса, ниҳоят биз ҳам фақат олий маълумот — фаровонлик гарови, деган қарашдан воз кечишимиз керак”.

бири сифатида қаралганини кўрсатади.

Агар кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар чуқурроқ таҳлил этилса, таълим, айниқса, бирламчи тарбия ўчоғи саналган мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қартилгани кўзга яққол ташланади. Бу янги Ўзбекистонда ҳам таълим-тарбия ҳаёт-мамонт масаласига айланганидан далолат, албатта.

Ўз фаолиятининг дастлабки жунлариданоқ “Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради” шиорига амал қилаётган партияимиз дастурида ҳам ушбу масала бош йўналиш сифатида танлаб олинган.

Шунинг учун Сайловолди дастурида бола туғилганидан, то мактабни тугаллагунгача бўлган даврни ўз ичига олган тарбия ва таълим давлат дастурини ишлаб чиқиш ҳамда “Оила — боғча — мактаб” тизимини йўлга қўйишга доир таклиф ва ташаббусларни илгари сурдим. Бунда оилада соғлом фарзандни дунёга келтириш ва тарбияни тўғри ташкил этиш учун 18 ёшгача фарзандлари бўлган ота-оналарни қўллаб-қувватлаб, уларга алоҳида мақом ва масъулият юклатилишини ҳам таклиф қилган.

Шу ўринда боғчаларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши ва боғча давридаги охириги йилнинг мажбурий бўлиши ҳам ниҳоятда муҳим эканини айтиш жоиз.

да педагог деган юксак номга муносиб бўлган одамларгина ишлаши керак. Бунинг учун, энг аввало, соҳага кадрлар тайёрлаб берадиган ОТМга алоҳида аҳамият берамиз.

Тан олайлик, узоқ йиллар мобайнида тарбиячи, педагог ва ўқитувчиларга зарур шароитлар бўлмади. Йиллар давомида йўл қўйилган ана шундай хатолар айнан тарбия ва таълимнинг абгор ҳолатга тушиб қолишига олиб келди.

Ўғил-қизимиз ёхуд набираларимизга тарбия бераётган, Навоий ва Ғазаллар ўқишни ўргатаётган муаллимга эса керакли муносабат бўлмади. Минг шукрки, кейинги йилларда ана шу хатолар тан олина бошланди ва соҳага бўлган муносабат давлат даражасида ўзгарди.

Партияимизнинг мақсад ва илгари сураётган ғоясидан келиб чиқиб, Сайловолди дастурида ана шу масалаларга устуворлик берилди. Эзгу ниятимиз мактабларда бошқарув, ўқитувчига муносабат ва тарбия-таълим ишларини ташкил этишни тубдан ўзгартириш. Ўқитувчиларга ўз мутахассислигидан ташқари бошқа фанлардан дарс бериш тартибини ҳам бекор қилишди.

Токи ўқитувчи ўз ишини завқ билан, севиб амалга оширсин, оғир меҳнати ҳар томонлама кадр топаётганини ҳис қилсин. Дарс мавзуси бўйича дунёда бир соат аввал қандай янгиликлар юз берган бўлса, шунинг ҳам биладиган даражада фаол бўлсин. Бунинг учун эса мактаб маъмурияти ўқитувчига замонавий воситалар ва шинам муҳит яратиб бериш ҳақида

вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашдик. Яъни бизнингча, соҳа-ўйлаши керак. Ўқитувчи дарсини бериб бўлдим, хоҳласа кутубхо-

нага, хоҳласа уйига кетсин. Қаер унинг учун қулай бўлса, ўша ерда оиласи, иши, ўқувчилари ҳақида ўйланиш, ўтган дарслари учун ҳисобот тўлдириш ҳақида эмас!

Шу ўринда бир масала: умумтаълим мактабларида янги жорий қилинган тарбия фанини кўпинча география, математика ёки тарих фани ўқитувчилари ўтмоқда. Ваҳоланки, бу фани педагогика, психология, физиология, диний ва умуминсоний қадриятларни мукамал ўзлаштирган тарбиячилар ўқиши керак. Шу сабабли педагогика олийгоҳларида 2 тоифада, яъни бошланғич (0 — 7 ёш) ва ўсмирлик (8 — 18 ёш) даври тарбиячиси ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрланишини энг муҳим вазифалардан, деб ҳисоблаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мактаб ўқувчиси мактабдаёқ мактабдан кейинги ҳаётига тайёрланиши керак. 6-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг илмга иқтидори борлари билан алоҳида ва тadbиркорликка лаёқати борлар билан алоҳида дастурлар асосида иш олиб бориш бугунги куннинг энг муҳим талабидир. Яъни бу жараёнда ота-онанинг “орзу-ҳаваслари” бола тақдирини ҳал қилувчи омилга айланмаслиги керак.

“Ўқиб, одам бўлармидинг?” деган қараш ҳам, “Мен ўқимадим, болам ўқисин” деган қараш ҳам ўқувчининг таснифланишига таъсир кўрсатмаслигига эришишимиз лозим. Қолаверса, ниҳоят биз ҳам фақат олий маълумот — фаровонлик гарови, деган қарашдан воз кечишимиз керак. Масалан, Хитойда мактаб битирувчиларининг 30 — 35 фоизи олий маълумот олиш учун ҳаракат қилса, қолган болалар ўзларини тadbиркорликка уради.

Буларнинг барчаси педагоглар, ўқитувчилар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Албатта, демак, бу жараёнда ўқитувчиларга рағбат керак. Шунинг учун ҳам иш ҳақларини камера кузатувлари асо-

сида ҳисобланадиган рейтинг балларига мувофиқ белгиланишини таклиф қилганимиз. Ана шундай ўзгаришларни амалга оширсак, биз шаклан эмас, мазмунан замонавий мактабга эга бўламиз.

Қисқача айтганда, мактабда ўқитувчиларнинг янги авлодини яратиш, олийгоҳларда ўз соҳасининг етук мутахассислари дарс беришини таъминлашни энг устувор вазифа ҳисоблаймиз.

Таълим ва тарбия ҳақида гап кетганда олий таълим тизимидаги бугунги ҳолатга муносабат билдирмаслик мумкин эмас.

Таъкидлаш лозим, кейинги йилларда тизим жуда катта ўзгаришларни бошдан кечирди. Хусусан, олий таълим қамрови 9 фоиздан 28 фоизга кўтарилди. ОТМ сони кўпайди. Аммо тизимдаги муаммолар тахлили туб ислохотлар ўтказиш лозимлигини кўрсатяпти. Шунинг учун ҳам дастурида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини тугатиш ҳамда унинг ўрнига Президент ҳузурида Ректорлар кенгаши тузиш таклиф этиляпти. Бу мақсуд тизим давлат тасарруфидан чиқарилади, дегандир.

Айрим юртдошларимиз балки бу таклифга эътироз билдиришар, аммо бугун дунёда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам кириш осон, аммо ўқиш қийин бўлган таълим тизимига ўтилиши керак. Бусиз кутилган даражага эришиб бўлмайди.

“Токи ўқитувчи ўз ишини завқ билан, севиб амалга оширсин, оғир меҳнати ҳар томонлама кадр топаётганини ҳис қилсин. Дарс мавзуси бўйича дунёда бир соат аввал қандай янгиликлар юз берган бўлса, шунинг ҳам биладиган даражада фаол бўлсин. Бунинг учун эса мактаб маъмурияти ўқитувчига замонавий воситалар ва шинам муҳит яратиб бериш ҳақида ўйлаши керак. Ўқитувчи дарсини бериб бўлдим, хоҳласа кутубхонага, хоҳласа уйига кетсин. Қаер унинг учун қулай бўлса, ўша ерда оиласи, иши, ўқувчилари ҳақида ўйланиш, ўтган дарслари учун ҳисобот тўлдириш ҳақида эмас!”

XXI асрда глобаллашув жараёнларини бошидан кечираётган дунёнинг бирламчи муаммосига айланган маънавий таназзул инсониятнинг маънавий ва тарбия борасидаги хатолари натижаси дея эътироф этилмоқда.

Бугунги кунга келиб, энг ривожланган ва энг демократик давлатларда ҳам “бой берилган авлод” муаммоси кун тартибидан тушмай қолди, бу эса оила, боғча ва мактабда тарбия иккинчи даражали масалага айлангани билан боғланыпти.

Тўғри, бир қатор давлатлардаги эркин ҳаёт билан Шарқда тарбияланган жамият ахлоқи, турмуш тарзида осмон билан ерча фарқ бор. Аммо кўҳна қитъанинг баъзи бир давлатларида яна азалий қадриятларга қайтилаётгани тарбияни ҳар қандай масаладан юқори қўйила бошланганидан дарак беради. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда, тарбия ва таълим масаласини энг устувор масала сифатида танлаб олдим.

Дастурига, ҳатто миллионлаб юртдошларимизга, уларнинг онига тўғридан-тўғри тасир этиб, дунёқарашларини ўзгартиришга қодир бўлган миллий киноиндустрияни ислох қилиш масаласига киритилган.

Агар жорий йилнинг 24 октябрда бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида менга овоз берсаларингиз, барча замоналарда ҳаёт-мамонт масаласи саналган тарбия ва таълим, маънавий ва маърифат билан боғлиқ вазифаларни тўла бажаришга ваъда бераман.

Алишер ҚОДИРОВ,
«Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Президентлигига номзод.

НОМЗОДНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ: ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАР

1. “Янги авлод” давлат дастури қабул қилинади.

■ Бола туғилганидан, мактабни тугаллагунгача бўлган даврни ўз ичига олган тарбия ва таълим дастури ишлаб чиқиши учун ягона “Оила — боғча — мактаб” тизими яратилади;

■ оилада соғлом фарзандни дунёга келтириш ва тарбияни тўғри ташкил этиш учун 18 ёшгача фарзандлари бўлган ота-оналарни қўллаб-қувватлаб, уларга алоҳида мақом ва масъулият юклатилади;

■ боғчаларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши ва (хусусий боғчаларга рухсат берилди) боғча даврининг охириги бир йили мажбурий бўлиши белгиланади;

■ мактабларда бошқарув, ўқитувчига муносабат ва тарбия-таълим ишларини ташкил этиш тубдан ўзгартирилади (хусусий мактабларга рухсат берилди). Ўқитувчиларга ўз мутахассислигидан ташқари бошқа фанлардан дарс бериш ва синф раҳбарлигини бириктириш тартиби бекор қилинади. Синф раҳбарлиги фақат тарбия фани ўқитувчилари зиммасига юклатилади. Ўқитувчиларга иш ҳақи камера кузатувлари асосида ҳисобланадиган рейтинг балларига мувофиқ белгиланади.

2. Таълим инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида қайта ташкил қилинади.

■ Инспекция ваколатлари ва улар учун меҳнат шароитлари тубдан ўзгартирилади. Инспекция тарбия ва таълим жараёнларини кузатиши ва Олий Мажлисга тизимли тарзда ҳисоб беради.

3. Олий таълим давлат тасарруфидан чиқарилади.

■ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ректорлар кенгаши ташкил этилади. Олийгоҳлар ўз-ўзини бошқариш тизимига ўтказилиб, ОТМнинг рақобатбардош фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар яратилади;

■ педагоглар тайёрлаш тизими тубдан ислох қилинади. Давлат соҳада кадрлар тайёрлашнинг бош буюртмачиси сифатида боғча ва мактабларга юқори малакали ўқитувчи ва тарбиячилар тайёрлаш тизимини тўла молиялаштирилади.

4. Тарбиянинг ажралмас қисми сифатида миллий киноиндустрия ислох қилинади.

■ Бунинг учун соҳа вакилларининг малака оширишлари, соҳага хориждан тажрибали мутахассисларни жалб этиш, миллий, тарихий ва замонавий фильмларни суратга олиш учун қулай шароитлар яратилади.

Брифинг

МИЛЛИЙ МОНИТОРИНГ ЎТКАЗИШДАН МАҚСАД НИМА?

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясида 2021 йилги пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шароит яратилишини назорат қилиш, мавсум давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслиги юзасидан миллий мониторингни ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланган брифинг ўтказилди.

Таъкидланганидек, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳам тизимли ишлар олиб борилаётган. Хусусан, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шароит яратилиши, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслиги юзасидан миллий мониторинг ўтказиб келинмоқда.

Ишларида 18 ёшга тўлмаган шахслар, ўқувчи ва талабалар, бюджет ва но-бюджет ташкилотлари ходимларининг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун етарли яшаш ва меҳнат шарт-шароити яратилганини баҳолаш, қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта хом ашёси учун биринчи теримда 1200 сўмдан, иккинчи теримда 1500 сўмдан кам бўлмаган миқдорда меҳнат ҳақи тўланишини назорат қилиш ва бошқа йўналишларда аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чораларини кўришдан иборат.

Шунингдек, миллий мониторинг жараёнида Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши баёни билан тасдиқланган "2021 йил пахта ҳосилини нест-нобуд қилмасдан ушшоқлик билан йиғиб-териб олишни ташкил этиш бўйича "Вақтинчалик тартиб" ва Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси йиғилиши баёни билан тасдиқланган "Тавсиялар"га риоя этилиши ҳам ўрганилади.

Мониторингни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳудудий мониторинг гуруҳлари тузилди, уларнинг таркибига тармоқ қасаба уюшмалари Республика кенгашларининг раҳбар ва масъул ходимлари, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашлари меҳнат техник инспекторлари, шунингдек, келишилган

ҳолда Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг жойлардаги аъзо ташкилотлари вакиллари киритилди.

Мониторингда ҳар бир ҳудудда 5 нафардан республика бўйича жами 65 нафар киши иштирок этади. Жорий йилда ўтказиладиган миллий мониторинг ўтган йиллардагига нисбатан янада такомиллаштирилган ҳолда ташкил этилмоқда. Яъни иш самарадорлигини ошириш, қўлай меҳнат шарт-шароити яратиш мақсадида мониторинг ўтказиш иши гуруҳлари таркибидagi қасаба уюшмаси ходимлари мониторинг жараёнида фойдаланиш учун махсус кийим-бош, ишчи гуруҳ раҳбарлари интернет тармоқига уланган ланшетлар билан таъминланди.

Миллий мониторингни сифатли ўтказиш мақсадида унинг услубийти такомиллаштирилди. Хусусан, "Мониторинг гуруҳларининг жойларда ҳаракатланиш кетма-кетлиги", "Мониторинг-да интервью олиш саволномаси", "Пахта йиғим-терими иштирокчилари учун яратилган шарт-шароитларни баҳолаш бўйича саволнома" ва ахборот бериш шакллари ишлаб чиқилди.

Брифингда таъкидланганидек, агар мониторинг жараёнида далада пахта тараётган вақта етмаган шахслар аниқланса, уларни зудлик билан даладан олиб чиқиш ва ўқув даргоҳига ёки уйига етказиш чоралари кўрилади. Бу ҳақда даладотнома тузилиб, меҳнат инспекциясига чора кўриш учун тақдим этилади. Миллий мониторинг жараёнида ўрганиш натижаларини ошқор этмаслик тамойилига амал қилинади ҳамда мониторинг гуруҳлари декабрь ойида Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказиладиган давра суҳбатига эълон қилинади.

Раҳим ШЕРКУЛОВ «Халқ сўзи».

АФСОНаВИЙ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ИЖОДКОРЛАРНИ ЯНА ЧОРЛАМОҚДА

Жорий йилнинг 28 сентябрь — 3 октябрь кунлари пойтахтимизда "Ипак йўли дурдонаси" XIII Тошкент халқаро кинофестивали бўлиб ўтади. Ўзбекистон Кинематография агентлиги томонидан ташкил этилаётган мазкур кинофестивалнинг тантанали очилиш маросими пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги кинотеатрида ўтказилади.

Анжуман

Шу муносабат билан "Ўзбекфильм" киноконцерни катта майдонда матбуот анжумани уюштирилди. Унда маълум қилинишича, халқаро фестивалга Озарбайжон, Беларусь, Миср, Исроил, АҚШ, Ҳиндистон, Италия, Эрон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркия каби 37 мамлакатдан 400 нафарга яқин ижодкорлар, жумладан, 55 нафар таниқли санъат намояндalари иштирок этиши режалаштирилган.

Аҳамиятли жиҳати шуки, бу йил XIII марта ўтказиладиган Тошкент халқаро кинофестивали Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббусига кўра "Ипак йўли дурдонаси" номи билан қайта тикланди. Эндиликда ушбу нуфузли тадбир Кинематография агентлиги томонидан ҳар йили мунтазам равишда ташкил этилади.

Кинофестиваль аллақачон дунё кино-ижодкорларининг эътиборига тушиб улгурди. Бу жиҳатлар матбуот анжуманига онлайн боғланган ижодкорлар фикрида ҳам ўз тасдиқини топди.

Тошкент азалдан ўзининг меҳмондўстлиги билан ном қозongan, — дейди Озарбайжон Маданият вазирлигининг кинематография бўлими бошлиғи Руфат Гасанов. — Тошкент халқаро кинофестивали қайта тикланганини дунё кино жамоатчилиги жуда кўтаринки руҳда қутиб олди. Негаки, ижодкорлар анчадан буюн бир-бирини жуда соғиниб қолган. Фестивалда Озарбайжон кинематографлар томонидан суратга олинган фильмлар ҳам тақдим этилишидан бағоят мамнунмиз. Ўзбек томошабинлари бизнинг бадий ҳамада ҳужжатли фильмлардан баҳраманд бўлишади. Халқларимиз ўз менталитети, анъаналари, удувлари билан ўзаро муштарак дур. Бугунги кунга келиб ушбу жиҳатлар кино санъати соҳасида ҳам намоён бўлмоқда.

Жорий йилги Тошкент халқаро кинофестивали "Тинчлик, маърифат ва тараққиёт учун" шiori остида ва "Фестиваллар фестивали" форматида ташкил этилади. Шунингдек, фестиваль доирасида қатор тадбирлар ўтказилиши белгиланган. Ёш киноижодкорлар учун "Қино 5 кунда" танлови ишлаб чиқилган бўлиб, унда дунёнинг 22 мамлакатидан келган ёш режиссёрлар "Буюк Ипак йўли" мавзусида қисқа метражли фильмларни суратга олишади ҳамда тайёр фильмларни "Янги авлод киноси" фестивали доирасида намойиш қилади.

Кино мамлакатлар ўртасидаги ўзига хос кўприк саналади, — дейди италийлик киноижодкор Ольга Страда. — У турли давлатларнинг бугунги ҳаёти, ҳозирги жараёнлар билан кенгрок танишиш имкони беради. Италия кинематографлари Тошкент халқаро кинофестивалида олтига картинани тақдим этади. Улар ўзбекистонлик мухлисларга маъқул бўлади, деб умид қиламиз. Мен яқиндагина Хива шаҳрида бўлиб ўтган форумда катнашдим. Дарҳақиқат, жонли мулоқот бой самара беришига ушбу ҳафталик давомида ишонч ҳосил қилдим.

Айтиб ўтиш жоизки, кинофестиваль доирасида 13 та давлатнинг кино кунлари ўтказилиши ҳам қўлга тутилган. 29 сентябрдан бошлаб мамлакатнинг барча кинотеатрларида фильмлар намойиши бошланади. Ҳар бир мамлакат ўз фильмларини Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари бўйлаб тақдим этади. Жаҳон киноси кунларида намойиш қилиш учун ҳозирги кунга қадар 150 та фильм саралаб олинган. Уларнинг асосий қисми ўзбек тилидаги субтитрлар билан экранларга чиқади.

Шунингдек, кинофестиваль доирасида Бутунроссия давлат кинематография институти (ВГИК)нинг Тошкент филиали очилиши бўлиб ўтади. Бундан ташқари, хорижий кинокомпаниялар билан ҳамкорлик битимлари имзоланиши, Кинематография агентлиги ва Россия кинокомпаниялари билан ҳамкорликда суратга олинган "Барон-2", "Қўёш таъми", "Парининг совғаси" сингари кинофильмлар намойиш қилиниши кутулкимоқда.

Фестиваль давомида танқили режиссёр ва актёрлар иштирокида ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, маҳорат дарслари ва брифинглар ташкил этилиши ҳам режага киритилган. Эслатиб ўтамиз, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқаро кинофестивали номи билан ҳам машҳур бўлган Тошкент халқаро кинофестивали 1968 йилдан 1997 йилгача ўтказиб келинган.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ «Халқ сўзи».



ҚУЛАЙЛИК, ЗАМОНАВИЙЛИК ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ

«Ўзмиллийбанк» АЖ фаолиятининг асосий мезонларидан ҳисобланади



Хар бир мижоз билан индивидуал ишланади

Пресс-турнинг дастлабки манзили "Ўзмиллийбанк" АЖнинг Олмазор филиали бўлди.

Таъкидлаш керакки, филиалда жисмоний шахсларга онлайн ва мобил алоқа орқали хизмат кўрсатиш, "скоринг" ҳамда автоматлаштирилган модулли кредит ажратиш тизимининг жорий этилгани ҳар бир мижозга индивидуал ёндашшни таъминлабгина қолмай, юзага келган муаммоларни оператив тарзда ҳал этишда айни мудио бўлмоқда.

Бугунги кунда филиалда жами 27200 та мижозга хизмат кўрсатилади. Шундан 25000 нафари жисмоний шахс бўлса, 2200 таси юридик шахс.

Тўлов пластик картчаларидан фойдаланишда қўлайликлар яратиш мақсадида банк биносида 9 та банкомат, 5 та инфокиоск, 949 та савдо терминали дислокация қилинган.

— 1997 йилда ташкил этилган филиал

Молия муассасаларида

лимиз Тошкент шаҳрининг Олмазор ва Тошкент вилоятининг Тошкент тумани айрим ҳудудларига хизмат кўрсатиб келмоқда, — дейди банк терминаллари ва сервисни ривожлантириш бўйича катта менежер Улуғбек Саидов. — Президент қоронғига биноан қабул қилинган 2020-2021 йиллар мобайнида хизматлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган дастур доирасида 8 млрд. сўм, тадбиркорларга айланма маблағ ҳамда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 243 млрд. сўм миқдориди кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, филиалимизда замонавий инновацион банк хизматлари кўрсатилишига ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Натижада бугунги кунга келиб мижозларнинг 75 фоизи масофадан бошқариладиган хизматларимиздан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Хисоб рақамларда банк айланмаларини амалга ошириш, онлайн кредит расмийлаштириш ёки кредит қарздорлигини қолаш, халқаро ва миллий пластик картчаларда ҳар қандай банк амалиётлари

ҳамда тўловларни амалга ошириш, омонатни расмийлаштириш, хорижий валюталарни алмаштириш, пул ўтказмалари каби амалиётлар шулар сирасидандир.

Филиал ходимларини кузатамиз. Уларнинг ҳар бири ўз иши билан банд. Мижозлар ҳам кам эмас. Биринчи пластик картчага илова улашни айтса, яна бири хориж валютасини алмаштиришга келган. Шулардан бири — Умиджон Ашуровни сўбатга тортамиз. Айтишича, у айни дамда Тошкент туманида қурилишда ишлаётган, иш ҳақини нақд эмас, пластик картчага тушириш ниятида экан. Филиалга шу мақсадда келган экан.

Қисқаси, филиалда иш қизгин. Банк ходимларининг қўли қўлига тегайди. Ҳар бир келган мижозни кираверилган ходимлар хушмуомалалик билан қарши олишади. Ким нима мақсадда келган, сўровига қараб, мутахассисларга йўналтирилади. Бундай хизматлардан мижозлар мамнун. Мухими ҳам шу, аслида.

Маҳсулотлар хориж бозорларида ҳам харидордир

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти ривож ўша юрда тадбиркорлар қўли даражада қўллаб-қувватланаётгани билан боғлиқ. Бинобарин, улар учун шароит яратилиши янги иш ўринлари очилишига, демак, аҳоли турмуш даражаси яхшиланишига сабаб бўлади.

Эътиборлиси, ишлаб чиқариш корхоналарига, тадбиркорларга молиявий ёрдам кўрсатиб келаётган "Ўзмиллийбанк" АЖ бу борада ўз хиссасини қўшмоқда. Жумладан, "FINLAND BUTTER" хусусий корхонаси "Ўзмиллийбанк" АЖ молиявий кўмаги асосида ўз фаолиятини ривожлантириб олди.



Компания бозорда 10 йиллик тажрибага эга. Ҳозир сотувдаги "Finland", "Шведское", "Donna", "Киевское", "Santo", "Сливочное удовольствие", "Pankie" номи маҳсулотлар айнан шу ишлаб чиқариш субъектига тегишли. Номилардан аниқлашмиз: бу маҳсулотлар юртимиз истаъмомчилари орасида анчагина машҳур.

Ҳа, булар сиз кунда, кунора оилангиз, фарзандларингиз, невараларингиз учун харид қиладиган маҳсулотлар. Сифатию, таъми аъло. Замонавий қадқоқ.

Корхона директори ўринбосари Бекзод Абдулатиповнинг айтишича, ишлаб чиқариш ҳам шунга яраша замонавий. Цехлар Австрия, Туркия, Германия каби давлатлардан келтирилган технология ва ускуналар билан жиҳозланган. Бунда "Ўзмиллийбанк" АЖ томонидан ажратилган 1 млн. АҚШ доллар миқдориди сармоа қўл келди. Чунки ушбу кредит эвазига маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё харид қилиниб, натижада 76 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Корхона йилига 900 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, экспорт географияси МДХдан ташқари, АҚШ, БАА, Қатар, Мўғулистон сингари давлатларни қамраб олган.

Корхона ишчилари, асосан, ёшлар. Масалан, Сардор Эргашбоев Янгийул туманидаги касб-хунар коллежининг машиналарга хизмат кўрсатиш бўлимининг битирган. У корхонада оператор вази-фасида ишлайди.

Компьютерда ўнча печни кузата-бага эга. Ҳозир сотувдаги "Finland", "Шведское", "Donna", "Киевское", "Santo", "Сливочное удовольствие", "Pankie" номи маҳсулотлар айнан шу ишлаб чиқариш субъектига тегишли. Номилардан аниқлашмиз: бу маҳсулотлар юртимиз истаъмомчилари орасида анчагина машҳур.

Ҳа, булар сиз кунда, кунора оилангиз, фарзандларингиз, невараларингиз учун харид қиладиган маҳсулотлар. Сифатию, таъми аъло. Замонавий қадқоқ.

Корхона директори ўринбосари Бекзод Абдулатиповнинг айтишича, ишлаб чиқариш ҳам шунга яраша замонавий. Цехлар Австрия, Туркия, Германия каби давлатлардан келтирилган технология ва ускуналар билан жиҳозланган. Бунда "Ўзмиллийбанк" АЖ томонидан ажратилган 1 млн. АҚШ доллар миқдориди сармоа қўл келди. Чунки ушбу кредит эвазига маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё харид қилиниб, натижада 76 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Корхона йилига 900 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, экспорт географияси МДХдан ташқари, АҚШ, БАА, Қатар, Мўғулистон сингари давлатларни қамраб олган.

Корхона ишчилари, асосан, ёшлар. Масалан, Сардор Эргашбоев Янгийул туманидаги касб-хунар коллежининг машиналарга хизмат кўрсатиш бўлимининг битирган. У корхонада оператор вази-фасида ишлайди.

— Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси 2004 йилда ташкил топган бўлиб, у "Ўзмиллийбанк"нинг ажралмас қисми-

дир, — дейди унинг директори, санъатшунослик фанлари доктори Камола Оқилова. — Банк молиявий тармоқ бўлишига қарамай, маданият, санъат соҳасида ҳам фаол иш олиб борилаётганини галереямиз тасдиқлайди. Хорижий тажрибалар ўрганилган ҳолда барпо этилган галереямиз 3,5 минг квадрат метр экспозиция майдонига эга.

Шу кунгача галереяда жуда кўп кўргазмалар бўлиб ўтган. Яъни бир йилда 25 — 30 та кўргазма ташкил этилади. Галереямиз ҳозирги кунда Марказий Осиёда энг йирик маданият масканларидан бири. Масалан, ҳозир "Мармар" залимида Камолиддин Бехзод ижодига мансуб асарларнинг факсимиллари қўйилган. Бу асарлар жаҳонга машҳур Лувр, Метрополитен каби музейларда сақланади. Иккинчи қаватда намойиш этилаётган асарларнинг ҳаммаси "Ўзмиллийбанк" АЖ тўпламида сақланади.

Дарҳақиқат, намойиш этилаётган асарлар турфа хил. Ш. Абдумаликовнинг "Рақс", Ш. Абдуллаевнинг "Дилором-Чанги ва Озода", Ф. Бойматовнинг "Сув ташувчилар, Қушлар бозори" сингари асарлари томошабин диққатини ўзига тортади. Кейинги залга қўйилган эрамизнинг IV — VII асрларида Ўзбекистон ҳудудида тарқиб топган илк Урта аср давлатлари ва сулолалари тангалари, қадимги Сўғд ва Хоразм тангалари юртимиз тарихи ҳақида янада кўпроқ маълумот беради. Шу маънода, галерея нафақат санъат, балки тарих масканига айланган, десак, муболага эмас.

Кўргазма галереянинг деярли барча залини қамраб олган бўлиб, ҳар залда алоҳида мавзу ва услубларга мос экспозиция ташкил этилган.

"Ўзмиллийбанк" АЖ тўпламида ўз аксини топган мазкур ноёб асар ва топилмалар Ўзбекистон замонавий санъати хилмаҳиллигини яна бир бора ҳис этишга имкон беради, узоқ ўтмишимизни намоён қилади.

Хулоса ўрнида айтганда, бугунги кунда "Ўзмиллийбанк" АЖ томонидан кўрсатилаётган хизмат ва маблағлар юртимизда ишбилармонлар сафи кенгайиб, бозорларимиз турли маҳсулотлар билан бойишига, одамлар турмуши яхшиланишига қаратилган билим аҳамиятлидир.

Д. МУРОДОВ.

Хизматлар лицензияланган.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including contact information for the editor-in-chief, subscription rates, and a QR code.